

**КРИМИНОГЕН ВАЗИЯТИ МУРАККАБ ТОИФАДАГИ
МАҲАЛЛАЛАРДА КРИМИНОГЕН ҲОЛАТНИ БАҲОЛАШ
ВА ПРОФИЛАКТИКА ҚИЛИШ МЕХАНИЗМИ**

Магистратура тингловчиси,
Расулов Жамшид

Аннотация. Мазкур мақолада мураккаб тоифадаги маҳаллаларда криминоген ҳолатни баҳолашнинг назарий, ҳуқуқий ва амалий механизмлари тадқиқ этилган. Муаллиф криминоген вазиятни фақат жиноятлар статистикаси билан эмас, балки ижтимоий муҳит, инфратузилма, латент ҳуқуқбузарликлар, аҳоли хавфсизлик ҳисси ва профилактика субъектлари фаолияти билан боғлиқ комплекс ҳодиса сифатида таҳлил қилади. Мақолада миллий қонунчилик, илгор хорижий тажриба ва криминологик назариялар асосида “маҳалла криминоген профили” ҳамда 100 баллиқ хавф индексини жорий этиш таклиф қилинади.

Калит сўзлар: криминоген ҳолат; маҳалла; ҳуқуқбузарликлар профилактикаси; криминологик диагностика; жиноят ўчоқлари; жамоат хавфсизлиги; манзилли профилактика.

Аннотация. В статье исследуются теоретические, правовые и прикладные механизмы оценки криминогенной ситуации в махаллях сложной категории. Криминогенная ситуация рассматривается не только через статистику преступности, но и через социальную среду, инфраструктуру, латентные правонарушения, чувство безопасности населения и деятельность субъектов профилактики. На основе национального законодательства, зарубежного опыта и криминологических концепций

предлагается внедрение “криминогенного профиля махалли” и 100-балльного индекса риска.

Ключевые слова: криминогенная ситуация; махалля; профилактика правонарушений; криминологическая диагностика; очаги преступности; общественная безопасность; адресная профилактика.

Abstract. *This article examines theoretical, legal and practical mechanisms for assessing criminogenic situations in complex mahallas. The author treats the criminogenic situation not merely as crime statistics, but as a complex phenomenon involving the social environment, infrastructure, latent offences, residents’ sense of safety and the performance of prevention actors. Relying on national legislation, comparative foreign experience and criminological theories, the article proposes the introduction of a “mahalla criminogenic profile” and a 100-point risk index.*

Keywords: *criminogenic situation; mahalla; crime prevention; criminological diagnostics; crime hot spots; public safety; targeted prevention.*

Ўзбекистонда маҳалла институти давлат ва жамият ўртасидаги энг яқин ижтимоий-ҳуқуқий боғловчи бўғин ҳисобланади. Айниқса, жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларни барвақт аниқлаш ва ижтимоий низоларни жиноятга айланмасидан олдин бартараф этишда маҳалла тизими профилактиканинг табиий майдони вазифасини бажаради. Шу маънода “мураккаб тоифадаги маҳалла” тушунчаси фақат маъмурий баҳолаш белгиси эмас, балки муайян ҳудудда жиноятчиликка сабаб бўлувчи,

уни қўзғатувчи ва такрор ишлаб чиқарувчи омиллар мажмуини англатувчи криминологик категориядир.

Мавзунинг долзарблиги шундаки, айрим маҳаллаларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш амалиёти ҳали ҳам кўп ҳолларда содир этилган жиноятлар сони, профилактик ҳисобда турган шахслар ёки маъмурий ҳуқуқбузарликлар динамикасига таянади. Бундай ёндашув зарур, аммо етарли эмас. Чунки криминоген ҳолатнинг реал мазмуни кўпинча расмий статистикадан кенгроқ бўлади: оилавий низолар, ёшлар ўртасидаги девиант ҳуқ-атвор, тунги назоратсиз жамоат жойлари, ишсизлик, миграция, қарздорлик, ҳуқуқий нигилизм, аҳолида хавфсизлик ҳиссининг пасайиши ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ишонч даражаси расмий ҳисоботларда тўлиқ акс этмаслиги мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни профилактикани ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чоралар тизими сифатида белгилайди ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уларга имкон берувчи шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этишни профилактика фаолиятининг марказий вазифаси сифатида мустаҳкамлайди [1]. Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепцияси жамоат хавфсизлигини миллий хавфсизликнинг муҳим йўналиши сифатида белгилаб, таҳдидларни барвақт аниқлаш, тизимли мониторинг ва субъектлараро ҳамкорликни кучайтиришга урғу беради [2]. Шу билан бирга, 2025 ва 2026 йилларда маҳаллаларда хавфсиз муҳит яратишга қаратилган президент қарорлари маҳалла кесимида манзилли ишлаш, илмий-амалий ёндашувлар, хонадонбай ва фуқаробай профилактика ҳамда натижадорликни баҳолаш талабларини кучайтирди [3; 4].

Мақоланинг мақсади – мураккаб тоифадаги маҳаллаларда криминоген ҳолатни комплекс баҳолаш, унинг назарий-методологик асосларини очиш, миллий қонунчилик ва хорижий тажрибани қиёсий таҳлил қилиш ҳамда амалиётда қўллаш мумкин бўлган криминологик диагностика механизмини илмий асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагиларда намоён бўлади: биринчидан, “мураккаб тоифадаги маҳалла” тушунчаси криминологик хавфлар, ижтимоий муаммолар, инфратузилмавий заифлик ва профилактик бошқарув самарадорлиги бирлигида талқин қилинади; иккинчидан, маҳалла криминоген ҳолатини баҳолаш учун жиноий-ҳуқуқий, ижтимоий, виктимологик, инфратузилмавий, ёшлар ва профилактика самарадорлиги индикаторларидан иборат 100 баллик индекс таклиф этилади; учинчидан, “маҳалла криминоген профили”ни юритишнинг ахборот, ҳуқуқий ва ташкилий алгоритми ишлаб чиқилади.

Криминологияда жиноятчиликни тушунтириш бўйича илмий ёндашуларни шартли равишда учта йўналишда ривожланган деб ыаралса бўлади: шахсга марказлашган, ижтимоий муҳитга асосланган ва макон-имкониятга таянган ёндашувлар. Чезаре Ломброзо жиноятчиликни шахснинг биологик ва антропологик хусусиятлари орқали изоҳлашга ҳаракат қилган [5] бўлса, Энрико Ферри жиноятчиликни шахс, муҳит ва ижтимоий шароитлар ўзаро таъсирида шаклланадиган ҳодиса сифатида кўради [6]. Маҳалла криминологияси нуқтаи назаридан Феррининг ёндашуви нисбатан маҳсулдордир, чунки у жиноятчини маҳалладан, маҳаллани эса ижтимоий-иқтисодий ва маданий муҳитдан ажратиб ўрганиш мумкин эмаслигини кўрсатади.

Эмиль Дюркгейм эса жиноятчиликни ҳар қандай жамиятда мавжуд бўладиган ижтимоий факт сифатида талқин қилиб, унинг мутлак йўқолишини эмас, балки ижтимоий меъёрлар, назорат ва жамоавий ҳамжиҳатлик орқали чекланишини асослайди [7]. Бу фикр маҳалла профилактикасида муҳим методологик хулосага олиб келади: мақсад “жиноятчиликни нолга тушириш” деган декларатив формула эмас, балки хавф омилларини барвақт аниқлаш, уларни бошқариш ва жамият учун қабул қилинадиган хавфсизлик даражасини таъминлашдир.

Чикаго мактаби вакиллари, хусусан Клиффорд Шоу ва Генри Маккей жиноятчиликнинг ҳудудий концентрацияси, аҳоли алмашинуви, камбағаллик, ижтимоий назорат заифлиги ва маҳаллий институтлар парокандалиги ўртасидаги боғлиқликни илмий асослаган [8]. Уларнинг ижтимоий дезорганизация назарияси маҳалла таҳлили учун жиддий аҳамиятга эга. Бироқ мазкур назарияни механик қўллаш ҳам хавфли: иқтисодий кўрсаткичлари ўхшаш икки маҳаллада жиноятчилик даражаси турлича бўлиши мумкин. Демак, жиноятчилик фақат камбағаллик натижаси эмас; у ижтимоий назорат, қўшничилик алоқалари, жамоат ишончи, ҳуқуқий маданият ва профилактика субъектлари фаолияти сифати билан ҳам боғлиқ.

Россиялик криминолог А.И. Долгова жиноятчиликни ижтимоий зиддиятларнинг салбий кўриниши сифатида баҳолайди ва жиноятчилик сабабларини таҳлил қилишда турмуш даражаси, маънавий муҳит, ижтимоий муносабатлар ва ҳудудий хусусиятларни комплекс ўрганиш зарурлигини таъкидлайди [9, Б. 214-219]. В.Н. Кудрявцев эса жиноятчилик сабабларини шахс мотивацияси, ижтимоий муносабатлар ва ҳуқуқий-ахлоқий муҳит билан боғлаб, “сабаб” ва “шарт-шароит”ни фарқлашни криминологик таҳлилнинг

муҳим мезони сифатида кўради [10, Б. 84-91]. Бу ёндашувлар маҳалла даражасида “нима содир бўлди?” саволи билан чекланмасдан, “нима учун айнан шу жойда, шу вақтда ва шу ижтимоий гуруҳда содир бўлди?” деган саволни қўйишни талаб этади.

Ўзбекистонлик олимлар М.Х. Рустамбаев ва Қ.Р. Абдурасулова каби олимлар ҳуқуқбузарликлар профилактикасида маҳалла институтининг ўрни, профилактика инспектори фаолияти, индивидуал ва виктимологик профилактика механизмларини таҳлил қилган [11; 12]. Уларнинг ишларида маҳалла жиноятчиликнинг олдини олишда ижтимоий назорат, тарбия, жамоатчилик таъсири ва давлат органлари билан ҳамкорлик майдони сифатида баҳоланади. Бироқ амалиётда маҳаллаларни ягона криминологик индекс асосида комплекс диагностика қилиш, жиноят ўчоқларини электрон хариталаш ва профилактик натижани ўлчаш механизми ҳали тўлиқ шаклланмаган.

Криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларнинг криминоген вазиятини ўрганишдаги яна бир муҳим масала “синиқ ойналар” назарияси билан боғлиқ. Жеймс Уилсон ва Жорж Келлинг майда тартибсизликлар – қаровсиз жойлар ва назоратсиз ҳудудлар оғирроқ ҳуқуқбузарликлар учун руҳий ва ижтимоий м макон бўлиши мумкинлигини таъкидлаган [13]. Маҳалла амалиёти учун бу назариянинг фойдали жиҳати шундаки, ташқи муҳитни тартибга келтириш, ёритиш ва жамоат назоратини кучайтириш хавфсизлик ҳиссига таъсир қилади. Лекин Бернард Харкорт ва Жеффри Людвиг ушбу назарияга танқидий ёндашиб, тартибсизлик ва жиноят ўртасидаги боғлиқликни содда сабабий формула сифатида талқин қилиш хавфлилигини кўрсатади [14]. Шу боис маҳалла профилактикасида “синган ойналар”

ёндашуви жазоловчи ёки кампаниябозлик шаклида эмас, балки муҳитни яхшилаш, ижтимоий ёрдам, мулоқот ва ҳуқуқий кафолатлар билан уйғун ҳолда қўлланиши лозим.

Мақолада норматив-ҳуқуқий таҳлил, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, криминологик моделлаштириш, системали таҳлил, контент-таҳлил ва илмий абстракция усулларидан фойдаланилди. Норматив-ҳуқуқий таҳлил орқали ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жамоат хавфсизлиги, маҳалла институти, шахсга доир маълумотлар ва пробаццияга оид миллий қонунчилик ўрганилди. Қиёсий таҳлил асосида АҚШ, Буюк Британия, Япония, Сингапур ва CPTEД ёндашувлари миллий маҳалла тизими билан солиштирилди. Криминологик моделлаштириш орқали “маҳалла криминоген профили”, 100 баллик хавф индекси ва профилактик таъсир пакети илмий жиҳатдан асосланди.

Мақола эмпирик статистикага даъво қилмайди; у назарий-амалий модел ишлаб чиқишга қаратилган. Шу боис ундаги таклифлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, маҳалла еттилиги, сектор раҳбарлари, пробацция хизмати ва ижтимоий хизматлар ҳамкорлигида синов тариқасида жорий этилиши мумкин бўлган методик тавсиялар сифатида илгари сурилади.

Криминоген ҳолат – муайян ҳудудда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи, уларни рағбатлантирувчи ёки такрор содир этилишига имконият яратувчи ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, психологик, демографик, инфратузилмавий ва бошқарув омиллари йиғиндиси. У “жиноят содир этилди” деган натижа билан эмас, балки жиноят содир бўлиши эҳтимолини оширадиган шароитлар билан тавсифланади. Шу боис криминоген ҳолатни баҳолаш профилактика

мақсадларига хизмат қилади: у жиноятдан кейинги реакция эмас, жиноятдан олдинги хавфни билиш механизми ҳисобланади.

Мураккаб тоифадаги маҳалла – жиноятчилик кўрсаткичлари, ҳуқуқбузарликлар динамикаси, ижтимоий хавф гуруҳлари, инфратузилмавий заифлик, латент низолар, аҳоли хавфсизлик ҳиссининг пасайиши ва профилактика субъектлари фаолиятидаги камчиликлар туфайли доимий ёки даврий хавф юқори бўлган маҳалладир. Бундан ташқари амалдаги қонунчиликда беш йилдан буён «қизил» тоифада қолаётган маҳалла сифатида таърифланади. Бундай маҳалла “ёмон маҳалла” деган ҳолис баҳо эмас; аксинча, унга нисбатан кўпроқ ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва ташкилий ресурс йўналтиришни талаб қилувчи криминологик бошқарув объектидир.

Криминоген профиль – маҳалла хавфларини ҳужжатлаштирувчи, индикаторлар асосида баҳоловчи ва профилактик қарор қабул қилиш учун асос бўлувчи динамик маълумотлар тўпламидир. Унда жиноятлар статистикаси, маъмурий ҳуқуқбузарликлар, профилактик ҳисоб, пробация назорати, ёшлар муаммолари, хотин-қизлар ва оилалардаги низолар, инфратузилма ҳолати, мурожаатлар, жамоатчилик фикри ва профилактик тадбирлар натижаси акс этади.

Жиноят ўчоғи (crime hot spot) – жиноятлар ёки ҳуқуқбузарликлар муайян вақт давомида бошқа жойларга нисбатан юқори тўпланган ҳудуддир. Лоуренс Шерман, Патрик Гартин ва Майкл Бюржер жиноятларнинг шаҳар маконида нотекис тақсимланишини ўрганиб, “place-based criminology” йўналишининг муҳим эмпирик асосларини яратган [15, P. 27-56]. Дэвид Вейсбурднинг “жиноят концентрацияси қонуни” ҳам жиноятлар кўп

холларда худуднинг кичик қисмида жамланишини кўрсатади [16, P. 133-157]. Маҳалла миқёсида жиноят ўчоғи бутун маҳаллани “хавфли” деб белгилаш эмас, балки аниқ кўча, бекат, бозор атрофи, тунги йиғилиш нуқтаси ёки қаровсиз объектга манзилли таъсир кўрсатишни англатади.

Маҳалла криминоген ҳолатини баҳолашда ягона кўрсаткичга таяниш илмий жиҳатдан нотўғри. Жиноятлар сони камайган бўлса ҳам, латент низолар, аҳоли хавфсизлик ҳисси ёки профилактика субъектларига ишонч пасайган бўлиши мумкин. Аксинча, мурожаатлар сони кўпайиши баъзан хавф ошганини эмас, балки аҳолида ишонч ортганини ҳам англатади. Шунинг учун баҳолаш кўп индикаторли бўлиши лозим.

Шу мақсадда индикаторлар тизими жиноий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, виктимологик, инфратузилмавий, ёшлар ва оила билан боғлиқ ҳамда профилактика субъектлари фаолиятини баҳоловчи блоклардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ. Жиноий-ҳуқуқий блок жиноятлар сони, таркиби, оғирлик даражаси, такрорийлик ва маъмурий ҳуқуқбузарликларни; ижтимоий-иқтисодий блок ишсизлик, камбағаллик, миграция, қарздорлик ва ижтимоий ёрдамга эҳтиёжни; виктимологик блок оилавий зўравонлик хавфи, ёлғиз кексалар, хотин-қизлар ва болалар хавфсизлигини; инфратузилмавий блок ёритиш, қаровсиз объектлар, кўринадиганлик, видеокузатув ва транспорт бекатлари ҳолатини; ёшлар ва оила блоки назоратсизлик, мактаб давомати, оилавий низо ва девиант хулқ хавфини; профилактика субъектлари блоки эса профилактик тадбирлар манзиллилиги, ижро интизоми, ҳамкорлик ва мониторинг самарадорлигини қамраб олиши лозим.

Миллий қонунчиликда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси учун зарур асослар мавжуд. “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонун

профилактиканинг умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик йўналишларини назарда тутати; профилактика субъектлари ўртасидаги ҳамкорлик, сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш, ҳуқуқий тарғибот, ижтимоий реабилитация ва назорат механизмларига ҳуқуқий замин яратати [1]. Унинг кучли жиҳати – профилактикани фақат ички ишлар органлари фаолияти эмас, балки давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари ва аҳоли иштирокидаги тизим сифатида кўришидир.

Бироқ, мазкур қонунни амалиётга татбиқ этишда методик муаммо мавжуд: “хавф” тушунчаси кўпинча ҳисобот кўрсаткичи билан алмаштирилади. Масалан, профилактик ҳисобдаги шахслар сони хавфни кўрсатиши мумкин, лекин ҳисобда турмаган шахслар орасидаги латент девиант хулқ, оилавий низо ёки киберхавфлар яширин қолади. Шу боис қонун ижроси доирасида маҳалла криминоген профилини юритиш бўйича ягона электрон платформа ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Жамоат хавфсизлиги концепцияси жамоат хавфсизлигини қонунга хилоф тажовузлар, ижтимоий ва миллатлараро низолар, фақулудда вазиятлар ва бошқа таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати сифатида белгилайди [2]. Бу таъриф маҳалла даражасида жиноятчилик, ижтимоий низо, инфратузилмавий хавф ва фуқароларнинг қонуний манфаатлари ўртасидаги боғлиқликни кўрсатади. Демак, маҳалла хавфсизлигини таъминлашда ички ишлар органлари билан бир қаторда таълим, соғлиқни сақлаш, бандлик, солиқ, ижтимоий ҳимоя ва маҳалла фаоллари ҳам тўлиқ субъект сифатида иштирок этиши зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 январдаги ПҚ-1-сон қарорида маҳаллаларда хавфсиз муҳит яратиш манзилли профилактик

тадбирларнинг устуворлиги, қонунийлик, хонадонбай ва фуқаробай мақсадли ишлаш ҳамда илмий-амалий ёндашувлар жорий этилиши каби тамойилларга асосланиши белгиланган [3]. 2026 йил 5 январдаги ПҚ-1-сон қарор эса республика маҳаллаларида хавфсиз муҳит яратиш йўналишида яхлит манзилли ишлаш тизимини давом эттириб, криминоген вазияти оғир маҳаллаларни масъул раҳбарлар ва идораларга бириктириш механизмларини кучайтирди [4]. Бу ҳужжатлар мақолада таклиф этилаётган хавф индексини амалиётга синов тарзида жорий этиш учун ҳуқуқий-ташкилий асос бўла олади.

Маҳалла институтини ислоҳ қилишга оид ПФ-209-сон Фармон маҳаллани аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган [17]. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 18 майдаги 292-сон қарори “маҳалла еттилиги” фаолиятини режали ташкил этиш ва КРІ асосида баҳолаш масалаларини тартибга солган [18]. 2024 йил 13 июндаги 334-сон қарор эса маҳалла еттилиги аъзоларининг фуқаролар йиғини олдида ҳисобот бериш тартибини белгилайди [19]. Ушбу механизмлар криминологик нуқтаи назардан муҳим: профилактика инспектори хавфни аниқлайди, маҳалла раиси умумий мувофиқлаштиради, ёшлар етакчиси ёшлар хавфини, хотин-қизлар фаоли оилавий хавфларни, ижтимоий ходим эҳтиёжмандлик ва реабилитацияни, ҳоким ёрдамчиси бандлик ва даромад масалаларини, солиқ инспектори иқтисодий фаолият ва қонунийлик ҳолатини баҳолашга ҳисса қўшади.

Шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонунчилик криминоген профиль юритишда алоҳида аҳамиятга эга. “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонун шахсга доир маълумотларни йиғиш, сақлаш,

фойдаланиш ва узатиш жараёнларини ҳуқуқий тартибга солади [20]. Шу сабабли маҳалла криминоген профилида маълумотлар минималлаштирилиши, хизмат зарурати доирасида фойдаланилиши, шахсий ва оилавий сир ҳимоя қилиниши, электрон маълумотларга кириш ваколатлари чекланиши шарт. Акс ҳолда профилактика хавфни камайтириш ўрнига ҳуқуқбузарлик ва ишончсизлик манбаига айланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “Пробация тўғрисида”ги Қонун маҳалла даражасида такрорий жиноятчиликнинг олдини олиш учун муҳим ҳуқуқий асосдир. Қонунда пробация маҳкумларга ижтимоий-ҳуқуқий ва тарбиявий таъсир кўрсатиш, ҳуқуқбузарликлар содир этилиши сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи сифатида белгиланади [21]. Демак, пробация назоратидаги шахс билан ишлаш фақат назорат эмас, балки ишга жойлаштириш, психологик қўллаб-қувватлаш, оила ва маҳалла билан алоқаларни мустаҳкамлашни ҳам ўз ичига олиши керак.

CPTED (Crime Prevention Through Environmental Design) – жиноятчиликнинг олдини олишда шаҳарсозлик, архитектура ва муҳитни бошқариш усулларида фойдаланадиган кўп тармоқли ёндашувдир. CPTED таърифига кўра, у урбанистик ва архитектуравий дизайн ҳамда табиий ва қурилган муҳитни бошқариш орқали виқтимизацияни камайтириш, жиноятчи қарорини тийиш ва ҳудудий назорат ҳиссини кучайтиришга қаратилган [28]. Маҳалла амалиётида CPTED тунги ёритиш, кўринадиганлик, кириш-чиқишни тартибга солиш, қаровсиз жойларни бартараф этиш, болалар майдончаси ва бекатларни хавфсиз лойиҳалаш, видеокузатувни қонуний ва пропорционал жойлаштириш каби чораларда намоён бўлади.

UNODC Crime Prevention Guidelines бўйича қўлланма жиноятчилик профилактикасини режалаштириш ва амалга оширишда маҳаллий контекстга мослашиш, билимга асосланган ёндашув, мониторинг ва баҳолаш, кўп секторли ҳамкорлик зарурлигини таъкидлайди [29]. Бу маҳалла криминоген диагностикаси учун асосий хулоса беради: профилактика ҳуқуқни муҳофаза қилиш билан чекланмайди; у ижтимоий сиёсат, шаҳарсозлик, таълим, соғлиқни сақлаш, бандлик, фуқаролик жамияти ва аҳоли иштирокини бирлаштирган тизим бўлиши керак.

Мураккаб тоифадаги маҳаллаларда криминоген ҳолатни ўрганиш жиноятлар статистикасини қайд этишдан анча кенг жараёнدير. У жиноятчилик даражаси, ҳуқуқбузарликлар таркиби, латент хавфлар, ижтимоий муҳит, инфратузилма, аҳоли хавфсизлик ҳисси, профилактика субъектлари фаолияти ва ҳуқуқий кафолатларни комплекс баҳолашни талаб қилади. Илмий таҳлил шуни кўрсатадики, Ломброзонинг шахсга марказлашган ёндашуви, Феррининг ижтимоий омиллар назарияси, Дюркгеймнинг ижтимоий факт концепцияси, Шоу ва Маккейнинг ижтимоий дезорганизация назарияси, Ньюманнинг *defensible space* [30], Уилсон ва Келлингнинг *broken windows*, Шерман ва Вейсбурднинг *hot spots/crime concentration* ёндашувлари маҳалла криминологиясида бир-бирини инкор этмайди; аксинча, улар комплекс таҳлилда ўзаро тўлдирувчи методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Миллий қонунчилик таҳлили ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жамоат хавфсизлиги, маҳалла етилиги, шахсга доир маълумотлар ва пробация соҳаларида зарур норматив асослар мавжудлигини кўрсатди. Бирок амалиётда ягона криминологик диагностика методикаси, хавф индекси,

жиноят ўчоқлари харитаси, профилактик натижани баҳолаш ва маълумотларни ҳимоя қилиш кафолатлари ўзаро уйғунлаштирилиши зарур.

Илмий асосланган амалий механизм сифатида қуйидагилар таклиф этилади: 1) ҳар бир мураккаб маҳалла учун “криминоген профиль” жорий этиш; 2) 100 баллик криминоген ҳолат индексини синов тариқасида қўллаш; 3) жиноят ўчоқларини GIS ёки электрон харита орқали белгилаш; 4) ҳар чоракда маҳалла еттилиги иштирокида кейс-конференция ўтказиш; 5) хавф турига қараб дифференциал профилактик пакет танлаш; 6) тадбир натижасини кириш ва чиқиш индикаторлари асосида баҳолаш; 7) шахсга доир маълумотлар ва инсон ҳуқуқлари кафолатларига қатъий риоя этиш.

Амалиётда мазкур механизм хавфли ҳудудларни барвақт аниқлаш, профилактика ресурсларини оқилона тақсимлаш, латент муаммоларни юзага чиқариш, оилавий ва ёшлар билан боғлиқ низоларни эрта босқичда ҳал қилиш, аҳоли ишончини ошириш ва жиноятчиликни камайтиришга хизмат қилади. Якуний илмий хулоса шундан иборатки, мураккаб маҳалла криминоген ҳолатининг энг тўғри баҳоси жиноят содир бўлганидан кейинги статистика эмас, балки жиноят содир бўлишидан олдинги хавфларни аниқлаш ва уларни ҳуқуқий, ижтимоий ҳамда ташкилий чоралар билан бошқариш қобилиятидир.

Фойдаланилган адабиётлар ва норматив-ҳуқуқий манбалар

1. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги ЎРҚ-371-сон Қонуни “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида” // Lex.uz: <https://lex.uz/docs/2387357> (мурожаат санаси: 23.05.2026).

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон Фармони “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” // Lex.uz: <https://lex.uz/docs/5749291> (мурожаат санаси: 23.05.2026).

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 январдаги ПҚ-1-сон қарори “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” // Lex.uz: <https://lex.uz/docs/7330260> (мурожаат санаси: 23.05.2026).

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 5 январдаги ПҚ-1-сон қарори “Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш йўналишида яхлит манзилли ишлаш тизимини жорий этишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” // Lex.uz: <https://lex.uz/docs/7973611> (мурожаат санаси: 23.05.2026).

5. *Lombroso C.* Criminal Man. Durham: Duke University Press, 2006.

6. *Ferri E.* Criminal Sociology. New York: D. Appleton and Company, 1917.

7. *Durkheim E.* The Rules of Sociological Method. New York: Free Press, 1982.

8. *Shaw C.R., McKay H.D.* Juvenile Delinquency and Urban Areas. Chicago: University of Chicago Press, 1942.

9. *Долгова А.И.* Криминология. Москва: Норма, 2005. – Б. 214–219.

10. *Кудрявцев В.Н.* Причины преступности. Москва: Наука, 1976. – Б. 84–91.

11. *Рустамбаев М.Х.* Криминология. Тошкент: ТДЮУ, 2018.

12. *Абдурасулова Қ.Р.* Криминология асослари. Тошкент, 2020.
13. *Wilson J.Q., Kelling G.L.* Broken Windows: The Police and Neighborhood Safety // *The Atlantic Monthly*. 1982.
14. *Harcourt B.E., Ludwig J.* Broken Windows: New Evidence from New York City and a Five-City Social Experiment // *University of Chicago Law Review*. 2006.
15. *Sherman L.W., Gartin P.R., Buerger M.E.* Hot Spots of Predatory Crime: Routine Activities and the Criminology of Place // *Criminology*. 1989. Vol. 27. Issue 1. P. 27–56.
16. *Weisburd D.* The Law of Crime Concentration and the Criminology of Place // *Criminology*. 2015. Vol. 53. Issue 2. P. 133–157.
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги ПФ-209-сон Фармони “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида” // *Lex.uz*: <https://lex.uz/docs/6705763> (мурожаат санаси: 23.05.2026).
18. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 18 майдаги 292-сон қарори “Маҳалла еттилиги” фаолиятини самарали ва режали асосда ташкил этиш ҳамда КРИ бўйича баҳолаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида // *Lex.uz*: <https://lex.uz/docs/6931871> (мурожаат санаси: 23.05.2026).
19. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 13 июндаги 334-сон қарори “Маҳаллалар фаолиятини тартибга солишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” // *Lex.uz*: <https://lex.uz/docs/6972601> (мурожаат санаси: 23.05.2026).

20. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 июлдаги ЎРҚ-547-сон Қонуни “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида” // Lex.uz: <https://lex.uz/docs/4396419> (мурожаат санаси: 23.05.2026).

21. Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 7 августдаги ЎРҚ-938-сон Қонуни “Пробация тўғрисида” // Lex.uz: <https://lex.uz/docs/7050441> (мурожаат санаси: 23.05.2026).

22. Braga A.A., Turchan B., Papachristos A.V., Hureau D.M. Hot spots policing of small geographic areas effects on crime // Campbell Systematic Reviews. 2019. URL: <https://www.campbellcollaboration.org/review/effects-of-hot-spots-policing-on-crime/> (мурожаат санаси: 23.05.2026).

23. National Institute of Justice. CrimeSolutions Practice Profile: Hot Spots Policing. URL: <https://crimesolutions.ojp.gov/ratedpractices/hot-spots-policing> (мурожаат санаси: 23.05.2026).

24. Youth Endowment Fund. Hot spots policing toolkit. URL: <https://youthendowmentfund.org.uk/toolkit/hot-spots-policing/> (мурожаат санаси: 23.05.2026).

25. National Police Agency of Japan. Community Safety Bureau: Community Safety. URL: https://www.npa.go.jp/english/bureau/community_safety/index.html (мурожаат санаси: 23.05.2026).

26. National Police Agency of Japan. Police of Japan 2021: Community Policing, Koban and Chuzaisho. URL: https://www.npa.go.jp/english/Police_of_Japan/police-of-japan2021/003/003/003-1.pdf (мурожаат санаси: 23.05.2026).

27. Singapore Police Force. About Us. URL: <https://www.police.gov.sg/> (мурожаат санаси: 23.05.2026).

28. International CPTED Association. What is CPTED? URL: <https://www.cpted.net/> (мурожаат санаси: 23.05.2026).

29. UNODC. Handbook on the Crime Prevention Guidelines: Making them work. New York: United Nations, 2010. URL: https://www.unodc.org/e4j/en/data/university_uni/2247_handbook_on_the_crime_prevention_guidelines.html (мурожаат санаси: 23.05.2026).

30. *Newman O.* Defensible Space: Crime Prevention Through Urban Design. New York: Macmillan, 1972.